БРОНХИАЛ АСТМА ВА ТОКСИК БУҚОҚ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ТАШҚИ НАФАС ФУНКЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Шагазатова Б.Х.[1], Мирхайдарова Ф.С.[1], Нишонова Д.Ф.[2]
[1]Тошкент тиббиёт академияси
[2] Андижон Давлат тиббиёт институти

Дунё бўйлаб 300 миллионга яқин одам бронхиал астма билан касалланган ва бу 2025 йилга келиб яна 100 миллион аҳолида кузатилиши мумкин. Диффуз токсик буқоқ ҳам аутоиммун табиатли эканлиги, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида кўп учраши, оғир асоратлари билан ҳам ҳавфли бўлиб, бу икки касалликнинг бирга учраши бемор саломатлигига жиддий зарар келтиради.

Тадқиқот мақсади бронхиал астма токсик буқоқ билан оғриган беморларнинг ташқи нафас функция кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Беморлар қалқонсимон без катталашувига кўра 2 гурухга (1-даражали 14 нафар, 2-даражали катталашувга эга 23 нафар), тиреотоксикоз даражаси бўйича эса енгил (17 нафар, ўртача ёши 46,3±2,01) ва ўрта оғир тиреотоксикоз (20 нафар, ўртача ёши 49,2±2,01) босқичидаги беморларга ажратилган. Уларда ташқи нафас функциялари ФНҲ1, ЎТС ва Тиффно индекси кўрсаткичлари бўйича баҳоланди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотдаги енгил тиреотоксикоз билан оғриган ва қалқонсимон безнинг катталашувига кўра 1-даражали беморларда ФНҲ1 1,85±0,2, ЎТС 2,64±0,3 ва Тиффно индекси 0,7±0,02 га тенг бўлиб, 2-даражали катталашув бор беморларда ФНҲ1 1,63±0,2, ЎТС 2,33±0,2, Тиффно индекси 0,7±0,02 ни ташкил қилган. Ўрта оғир даражали тиреотоксикоз кузатилган беморларда эса, 1-даражали катталашувга эгаларда ФНҲ1 1,12±0,2, ЎТС 1,87±0,3 Тиффно индекси эса 0,6±0,02 га тенг келди. 2-даражадаги катталашув кузатилган беморларда эса ФНҲ1 0,96±0,2, ЎТС 1,61±0,2 ва Тиффно индекси 0,6±0,02га тўғри келди.

Хулоса. Енгил тиреотоксикозли беморларда ўрта оғир даражадагиларга нисбатан кўрсаткичлар ижобий натижани акс этсада, бу қийматлар орасида ишончлилик аниқланмади. Қалқонсимон безнинг биринчи ва 2-даражали катталашувидаги беморлар солиштирилганда натижалар 2-даражали катталашувдаги беморларда салбий эканини кўриш мумкин. Бу эса қалқонсимон безнинг катталашуви бронхиал астма кечишига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ тиреотоксикоз енгил ва ўрта оғир даражалари ўртасида ишонарли фарқ бўлмади.